
Пенсия ва нафақалар тайинлашда қандай ўзгаришлар бор?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017 — 2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги Фармонида кўра, пенсия ва нафақаларни тайинлашда фуқаролар учун янада қулай шароитлар яратиш мақсадида 2021 йил 1 июндан бошлаб қуйидаги тартиб жорий этилади:

- пенсияларни тайинлашда шахснинг иш ҳақи ва меҳнат стажи тўғрисидаги маълумотларнинг электрон базаси юритилмаган давр – 2005 йилдан аввалги йиллар учун иш стажи шахснинг меҳнат дафтарчасидаги мавжуд ёзувлар асосида тасдиқловчи ҳужжатлар талаб этилмасдан ҳисобланади;
- уч йил ва ундан аввал тайинланган, қайта ҳисобланган пенсия ва нафақаларни текшириш ҳамда улар бўйича аниқланган ортиқча тўловни ундириш бекор қилинади;
- ишловчи фуқаролар томонидан ишламайдиган турмуш ўртоқлари келгусида пенсия таъминотига эга бўлишлари учун ўз даромадларидан ихтиёрий равишда ҳар ойда ижтимоий солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади;
- пенсия ва нафақалар фуқаронинг хоҳишига кўра, рўйхатга олинган доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича тайинланади ва тўланади;
- пенсия ва нафақаларни нақд пулсиз шаклда олиш учун аризалар фуқаролар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг (кейинги ўринларда — Пенсия жамғармаси) тегишли бўлимига мурожаат қилмаган ҳолда, тижорат банклари филиалларида банк пластик карталарини очиш жараёнида ёки банк мобил иловалари орқали электрон шаклда расмийлаштирилади;
- фуқароларнинг пенсияга бўлган ҳуқуқи йўқолганлигини тегишли вазирлик ва идоралар томонидан тақдим этиладиган электрон маълумотлар асосида аниқлаш орқали пенсияларни нақд пулсиз шаклда олувчи шахслар томонидан ҳар олти ойда Пенсия жамғармасининг туман бўлимига келиш ҳамда масъул ходимлар томонидан жойларга чиққан ҳолда мониторинг ўтказиш мажбурияти бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 5 мартдаги “Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига кўра, кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш ҳамда уларга ижтимоий нафақа, моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган ҳамда 2021 йил 1 апрелдан бошлаб қуйидагилар амалга киритилган:

- кам таъминланган оилаларни “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизими орқали аниқлаш;
- ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш шартлари;
- ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам олиш учун мурожаат қилиш, мурожаатни кўриб чиқиш ҳамда уларни тўлаш тартиби;
- ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам учун тўловларни молиялаштириш тартиби.

Болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам учун қуйидаги тартибда мурожаат қилиш мумкин:

Фуқаролар болали оилаларга нафақа ёки бола парвариши бўйича нафақа ёхуд моддий ёрдам олиш учун лаёқатли аъзоси томонидан ёзма ариза орқали доимий ёки вақтинча яшаш манзилидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тақдим этадилар.

Аризага қуйидагилар илова қилинади:

ариза берувчи оила аъзоларининг Ўзбекистон Республикаси паспорти нусхалари ёки ID-карталари;

чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари, фуқаролиги бўлмаган шахс гувоҳномалари ёки ID-карталари ҳамда яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги тўғрисида қайд варағи нусхаси;

болалари васийлик остида бўлган тақдирда, аризага васийлик ва ҳомийлик органининг қарори нусхаси;

белгиланган шакл бўйича оиланинг мавжуд чорва моллари ва паррандалари тўғрисида маълумот;

белгиланган шакл бўйича ариза берувчи ва унинг оила аъзолари номидаги тижорат банки ҳисобварақларидаги маблағ қолдиқлари ва ариза берилган ойдан олдинги 3 ой мобайнида уларнинг номига ўтказилган пул ўтказмалари юзасидан маълумотларни Марказий банк томонидан “Ягона реестр” АТга тақдим этиш тўғрисида оилада бирга яшовчи 18 ёш ва ундан катта ёшдаги муомалага лаёқатли барча оила аъзолари имзолари билан тасдиқланган ариза.

Ижтимоий нафақа тайинлаш учун аризалар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига **ойнинг 16-санасига қадар** тақдим этиладилар.

Фуқаролар томонидан тақдим этилган аризалар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан Пенсия жамғармаси бўлимига ҳар ойнинг 18-санасига қадар тақдим этилади. Пенсия жамғармаси томонидан қабул қилиб олинган аризалар ҳар ойнинг 26-санасига қадар “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида киритилади. Ижтимоий нафақаларни тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш ушбу тизим орқали автоматлаштирилган тарзда амалга оширилади. Фуқаро ўз аризанинг натижаси тўғрисида аризада келтирилган телефон рақамига СМС-хабарнома юбориш орқали хабардор қилинади.

Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлганда, оилани кам таъминланган оила деб эътироф этиш ва унга тегишли равишда болали оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ёки моддий ёрдам тайинлаш рад этилади:

- ариза берувчи оиласининг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача жами даромад 393.8 минг сўмдан ошганда;
- оила аъзоларида жами биттадан ортиқ кўчмас мулки ёки бир ва ундан ортиқ нотураар жой бинолари мавжуд бўлганда;
- ариза берувчи ёки унинг оила аъзоларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўз номига расмийлаштирилган ёки бош ишончнома асосида фойдаланилаётган ишлаб чиқарилган муддати 7 йилдан ошмаган, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситаси мавжуд бўлганда ёки жами икки ва ундан ортиқ, техник ҳолати соз бўлган автотранспорт воситалари мавжуд бўлганда;
- ариза берувчи ва унинг оила аъзоларининг тижорат банкларидаги депозит ҳисобварақларида ариза берган ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдорда маблағлари мавжуд бўлганда;
- ариза берувчи ва унинг оила аъзоларида ариза берган ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг беш баравари ва ундан ортиқ миқдорда бозор қийматидаги қимматли қоғозлари мавжуд бўлганда;
- Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Мудофаа саноати давлат қўмитаси ҳамда уларнинг тизимидаги ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари ёки уларнинг оила аъзолари (турмуш ўртоғи ва болалари) томонидан аризалар тақдим этилганда;
- оилада меҳнат органлари томонидан тайинланган ишсизлик нафақасини олаётган аъзолари мавжуд бўлганда;
- оилада охириги 12 ой давомида иш қидираётган аъзоси меҳнат органларининг мақбул келадиган ишга доир таклифларини мунтазам равишда (икки ва ундан ортиқ мартаба) рад этганда;

-
- даромадларнинг расмий манбаларига эга бўлмаган ва охириги олти ой мобайнида иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилмаган ҳамда меҳнат органларида ҳисобда турмаган, ўзини ўзи банд қилган шахслар рўйхатига киритилмаган ёки ҳақ тўланадиган жамоат ишлари иштирокчиси ҳисобланмаган оиланинг меҳнатга лаёқатли аъзоси мавжуд бўлганда.

Кам таъминланган оила деб эъториф этилганларга ижтимоий нафақаларнинг фақат бир тури тайинланади.

Собитали СОБИРОВ,

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси

Бағдод тумани бўлими бошлиғи.

2021-04-13 13:37:31